

insufficient for the word-group to function as a word-equivalent. Small hours according to the contextual approach it is literal meaning. If however we classify it proceeding from the functional approach is a word-groups which are partially motivated is decided differently depending on which of the criteria of phraseological units is applied [4;134].

There is still another approach to the problem of phraseology in which an attempt is made to overcome the shortcoming of the phraseological theories discussed above. The main features of this new approach which is now more or less universally accepted by linguists are as follows:

- Phraseology is regarded as a self-contained branch of linguistics and, not as a part of lexicology.

- Phraseology deals with a phraseological subsystem of language and not with isolated phraseological units.

- Phraseology is concerned with all types of set expressions.

- Set expressions are divided into three classes: phraseological units (e.g. red tape, mare's nest, etc.), phraseomatic units (e.g. win a victory, launch a campaign, etc.) and borderline cases belonging to the mixed class. The main distinction between the first and the second classes is semantic: phraseological units have fully or partially transferred meanings while components of, phraseomatic units are used in their literal meanings.

- Phraseological and phraseomatic units are not regarded as word-equivalents but some of them are treated as word correlates.

- Phraseological and phraseomatic units are set expressions and their phraseological stability distinguishes them from free phrases and compound words.

- Phraseological and phraseomatic units are made up of words of different degree of wordness depending on the type of set expressions they are used in. (cf. e.g. small hours and red tape). Their structural separateness, an important factor of their stability, distinguishes them from compound words (cf. E.g. blackbird and black market) [5;178].

REFERENCES

1. Mieder W. Proverbs as cultural units or items of folklore. In H. Burger et al. (Eds.), *Phraseology: An international handbook of contemporary research*. Berlin: de Gruyter, 2007. P. 394-414.
2. Кунин А. В. Английская фразеология: теоретический курс. - М., 1981
3. Abdullaeva N.E. Semantic and linguocultural features of English and Uzbek proverbs with concept of friendship // *Problems of Modern Science and Education*, 2017. № 7 (89). P. 85-91.
4. Honeck R. P. *A Proverb in Mind: the Cognitive Science of Proverbial Wit and Wisdom*. - Mahwah, NJ: Lawrence Erlbaum Associates, 1997.
5. Karamatova K.M., Karamatov X.S. *Proverbs, maqollar, posловицы*. -Toshkent: Mehnat, 2001.

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДА ИНСОН ХАРАКТЕРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ “WHITE/OҚ” РАНГИ БИЛАН ҚЎЛЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Худайбергенов А.А.

*НукДПИ инглиз тили ва адабиёти
кафедраси катта-ўқитувчиси. ,PhD.*

Ҳар бир халқ тилини инсонларнинг уни ўраб турган борликни билиш, идрок этиш ва уни ўзлаштириш йўлидаги кўп асрлик тарихи, кундалик ижодий интилишлари ҳақидаги ажойиб саргузаштлари баёни тўғрисидаги маълумотлари сақлайди. Шу сабабли ҳам инсонни ўраб турган атроф-муҳит, олам конкрет предметлари ва мавҳум тушунчалари, шунингдек инсоннинг ўзини ҳам объект сифатида ифодаладиган, атайдиган тил воситалари шаклланиши сирли оламига шўнғиш (кириш) га бағишланган лисоний тадқиқотлар муҳимлиги ҳозирги кунда ўз-ўзидан ойдинлашади [1;331].

Ҳар бир миллий маданият ўз доминантасига ёки маданий доминанталар йиғиндисига эга бўлади, улар ўзига хос миллий маданий маконни, миллий маданий соҳани ташкил этади. [6;191]. Ушбу соҳалар чегараси аниқ эмас, яхлит маданиятлар чегараси аниқ. Миллий маданиятлар чегаралари ўртасида пайваста майдонлар мавжуд.

Э.Холл бошқа халқлар билан маданий алоқа қилишга ўқитиш ниҳоятда зарур, деган хулосага келади. У таъкидлайди: «Агар маданиятни ўрганиш мумкин бўлса, уни ўқитиш ҳам мумкин, деган фикрни англатади» [7;504].

Фразеология мустақил фан сифатида нисбатан анчадан (1950-1970 йй) буён мавжуд. Унинг фан сифатида шаклланиши машҳур тилшунослар В.В.Виноградов («Лексикология ва лексикография, танланган асарлар (1977), Н.Н.Амосова (Инглиз тили фразеологияси асослари (1963))», А.В.Кунин («Инглиз фразеологияси») (1966) номлари билан боғлиқ бўлиб, улар фразеология масалаларини атрофлича ўрганишга катта ҳисса қўшдилар ва ушбу соҳанинг кейинги ривожига катта илмий йул очиб бердилар.

Фразеология- олам лисоний манзарасининг бир фрагменти (бўлаги). ФБ воситасида тил субъектининг объектига бўлган субъектив муносабатини ифодалайди, борлиққа баҳо беради, инсоннинг эмоционал ҳолатини очиб беради, инсоннинг ташқи таъсирга ҳар хил психологик реакцияларини ифодалайди. Шу сабабли фразеология орқали (бошқа тил воситалари-лексик ва б. орқали) «инсон ахборотни система сифатида қайта ишлашни, ҳулқ-атворини тасвирлаш ва тушунтиришни, ички кечинмаларини ифодалашни ўрганади» [5;14-15].

Мақоллар ҳам фразеологиянинг бир қисми ҳисобланади. Мақоллар маъносини инкор этиб бўлмайди, у инсон турмуш тарзига мос келади ва минглаб одамларнинг фикрлари ҳисобланади. Жамият марказида инсон туришади ва инсонга баҳо беришда мақоллар шакилланиб келишган [3; 138-143].

Инсонда ранг ҳар хил туйғуларни ўйғотади: ҳаяжонланиш, жўштириш, осойишталик, лоқайдлик, норозилик ва қувонч, совуқ ва иссиқни сезиш кабилар физиологияга ва рухий ҳолатга таъсир қилади. Рангларнинг эмоционал таъсирига кўра инсонлар уларга баъзи бир рамзий маънолар бахш этган.

Қадимдан бошлаб барча халқлар маданиятида севимли ранглар йиғиндиси пайдо бўлган. Миллий ранглар тарихан изоҳланади ва улар анъанавий характерга эга, улар халқлар характери ва темпераментига, ўраб турган табиатига мос бўлади: қизил-сарик-қора ранглар испанларга, оқ-мовий ранглар финларга тинчлик, осудалик рамзи сифатида белгиланган. Инсонларни ўраб турган табиат, халқнинг темпераменти, урф-одат, анъаналари, эстетик нормалари ва диний қарашлари у ёки бу рангнинг костюмлар, маиший предметлар, санъат асарларида, нутқида кенг тарқалишига замин яратган; шунингдек, улар ўша халқ идиомаларида, мақол ва маталларида ҳам кенг тарқалган.

Инглиз байроғининг миллий ранги: қизил, мовий, оқ (америка бойроғи ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин); эҳтимол шу сабабли ҳам инглиз тилидаги кўпгина фразеологизмлар ушбу ранглар билан боғланган.

Оқ рангнинг қадимий рамзий маънолари асосан ижобий: яхшилик, қувонч, тозалик, гуноҳсизлик, ҳалоллик: white hope («истиқболли одам»), white-haired/white-headed boy («севиқли»), to be whiter than white («ниҳоятда ҳалол, одоб-ахлоқли бўлиш»), lily- white reputation («доғ тушмаган репутация»), white hands («ҳалоллик, булғанмаслик, гуноҳсизлик»).

Оқ ранг-олийжаноблик, олий табақалилик, улуғворлик, имтиёзлилик. Шу сабабли ҳам давлат рамзлари ушбу ранг билан безалган:

Whitehall (Palace) («Британия давлати резиденцияси ёки давлати»);

White rose («Йорк қирол уйи эмблемаси»);

The White House («АҚШ давлати резиденцияси ёки давлати»);

white-collars («жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган компания ходимлари»);

white knight («ҳимоячи»; «бошқа компанияга уни ҳимоя қилиш учун инвестиция ўтказувчи шахс ёки компания») ва б.[4;198]

Оқ рангда ҳам салбий маъно билдириш мавжуд:

Касаллик, қўрқув, чўчиш, ҳаяжон ва б:

to be/look white as sheet (ghost, death) («нихоятда кучли оқариш (қўрқувдан ёки хаяжондан)»);

to be white-hot («ғазабланган, тиззаси очик даражага етказилган») (куруқ қўл билан қолмоқ).

Корақалпоқ тилида баъзи ФБлар ўзларининг деривацион имкониятларини ривожлантирган, натижада ФБ га мос келувчи ясалма гуруҳлар юзага келади:

ақ аяқ («алдовчи, айёр»);

ақ аяқлик («ҳаромзодалиқ, айёр»).

Бир образли сўз-компонент асосида фразеогруҳлар ҳосил бўлади:

ақ

ақ кўкирек («оқ кўнгил, ишонувчан»);

ақ куба («очик юзли, оқ юзли»).[2;37]

ХУЛОСА

Маданиятлараро мулоқот икки ёки ундан ортиқ ҳар хил маданиятлар вакиллари ўртасида бўладиган мулоқотнинг алоҳида бир туридир. Унда ўзаро таъсир этувчи маданиятлар ўртасида ахборот ва маданий қадриятлар алмашилиши юз беради.

Умуман, тил маданият шакли сифатида қўлланилади, маданиятнинг санъат маъносида тушунилиши айрим нутқ турларидагина содир бўлади, тил маданий ҳодисаларнинг ташқи шакли сифатида ишлатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТДАР РЎЙХАТИ

1. Воробьев В.В. Лингвокультурология: (Теория и методы).- М.: РУДН, 1997.- 331 с
2. Ерлеспесова Д. Фразеологизмлардеги айырым соматизмлардин колланылыу озгешеликлери // Хазирги дауирде тил илимин изертлеу хам окытыу маселелери.- Нокис, 2011.- Б. 37-38
3. Жалгасов Н. Семантические сходства английских, узбекских и каракалпакских провербиальных образований с оценкой человека //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2020. – №. 1 (74). – С. 138-143.
4. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка.- М. «Высшая школа», 1972.- 198с
5. Маслова В.А. Современные направления в лингвистике.- М.: РУДН, 2008.- 220. [‘эл.вар. www.books.gumerbibliotec]
6. Gumperz J.J. Sociocultural knowledge in conversational influence // Linguistics and Anthropology.- Washington: Georgetown University Press, 2007.- P.161-211.
7. Hall E. Beyond Culture.- New York.- London: Groom Helm, 2004.- 504p

BENEFITS OF USING LITERATURE IN DEVELOPING INTERCULTURAL COMPETENCE

Ikram Xalmuratov – trainee teacher

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz

Shakhnoza Jusipbaeva – teacher

Nukus Medical and IT college

In the realm of foreign language teaching, the integrating cultural elements into teaching process is becoming essential, with the most pressing issue being the intercultural aspect. The intercultural approach is especially important when teaching foreign languages to students of language specialties, for whom foreign language is a professional activity.

Just as the concept of culture, literature can be difficult to define. Encyclopaedia Britannica defines literature as a body of written works and it can be divided into a variety of different categories such as language, national origin, historical period, genre and subject matter.

Erkaya puts attention on the benefits of using short stories in the classroom and mentions that short stories can be motivational and lead to cultural and higher order thinking. Since short stories often have a beginning, middle and an end it can encourage students to continue reading and finish it to find out how the conflict is being resolved [2;41].